

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2017
ФЕВРАЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

С.ЗОКИРОВА	
Контрастив, конфронтатив ва чоғиштирма тилшунослик атамалари хусусида	56
Н.ПАЗЛИДДИНОВА	
Сабзавот экинларини ифодаловчи фитонимлар ва уларнинг мавзуй таснифи	61
М.ҒОЗИЕВА	
Суперсегментал бирликлар тадқиқига доир	65
Ғ.ХОШИМОВ, Ж.ҚОРАБОВ	
Турли тизимли тилларда ундалма орқали воқелантирилган фразео- гиперболамаларнинг типологияси хусусида	69
<u>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</u>	
Р.ИСАКОВА, Ф.ОТАЖОНОВА, Н.ХАИТБАЕВА	
Рус тили ўқитиш жараёнига АКТни жорий қилиш – индивидуализация, дифференциация ва мустақиллик тамойилларини амалга ошириш	74
Ш.ХОНКЕЛДИЕВ, Д.КАРИМОВ	
Спорт гимнастикасида иқтидорли болаларни йўналтиришнинг педагогик технологиялари	77
<u>ИЛМИЙ АХБОРОТ</u>	
И.ДЕҲҚОНОВ, М.ПАРПИБОВЕВА	
Чет тили дарсларида ўқувчилар оғзаки ва ёзма нутқларида учрайдиган хатолар ва уларни бартараф этиш йўллари	81
Н.ҚҮЛДАШЕВ	
Эколингвистика	84
Д.ҲАСАНОВА, Т.МҶМИНОВА	
Наврий суҳбат ва суҳбатдош ҳақида	87
<u>АДАБИЙ ТАҚВИМ</u>	
Ҳ.ЖҶРАЕВ	
Тотувлик, тенглик ва диний бағрикенглик тараннуми	89
Н.УМАРОВА	
Алишер Наврий дostonларида халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари масаласи	93
<u>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</u>	
ВОДИЙНИНГ ЗАБАРДАСТ ОЛИМИ	96
<u>ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ</u>	
Библиография	99
<u>ҚУТЛОВ</u>	
Ғолиблар аниқланди	101

САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ФИТОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ МАВЗУИЙ ТАСНИФИ

Н.Пазлиддинова

Аннотация

Мақолада ўзбек тилидаги сабзавот экинларини ифодаловчи атоқли махсус номлар – фитонимлар мавзу жиҳатидан гуруҳларга ажратилган ва уларнинг лисоний, мотивацион-номинацион хусусиятлари таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье дается классификация специальных наименований фитонимов, обозначающих названия растений – овощных культур в узбекском языке. Проанализированы лингвистические, мотивационно-номинативные особенности.

Annotation

This article is about special names of Uzbek vegetables and subdividing thematically types of phitonims and analyzing their lingual motivational-nominative peculiarities.

Таянч сўз ва иборалар: бионим, фитоним, лингвоботаник, ўсимлик номи, сабзавот экинлари номи, мотивацион-номинацион хусусиятлар.

Ключевые слова и выражения: бионим, фитоним, лингвоботанический, наименование овощных культур, мотивационно-номинативные особенности.

Key words and expressions: Bionyms, Phitonims, linguabotanic name of plant, names of vegetable plants, motivational-nominative peculiarities.

Ономастикада жонли организмлар: одам, ҳайвон, қуш ва бошқаларнинг атоқли оти **бионим** (юн. *biog* – биос, ҳаёт + *опота* – ном)лар деб аталади [1.21]. Бионимлар ўз ичида қандай жонли организмни ифодалашига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Антропоним (юн. *antropos* – антропос + *опота* – ном)лар – кишиларнинг атоқли оти: исм, фамилия, лақаб, тахаллус, патроним ва бошқалар [2.13]. Масалан, *Мирзоҳид*, *Нигора*, *Моҳира*, *Салима*, *Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек*, *Думбул*, *Жулқунбой* каби.

2. Зооним (юн. *zoop* – ҳайвон + *опота* – ном)лар – ҳайвонлар (уй, зоологик боғ, цирк, қўриқхона ва шахсий қаровдаги ҳайвонлар)га қўйилган махсус лақаб – номлар.

Зоонимлар қандай ҳайвон, жонивор ва қуш номи эканлигига кўра **кинонимлар** (ит номлари), **гиппонимлар** (от номлари), **орнитонимлар** (қуш номлари) каби турларга бўлинади [2,59]. Масалан, от номлари: *Ғирот*, *Бойчибор*, *Гулгун*, ит номлари: *Оқбўйин*, *Бўрибосар*, бўри номи: *Тошчайнар*, туя номи: *Қоранор* каби.

3. Фитоним (гр. *phuton* – ўсимлик + *опота* – ном)лар –

ўсимликларга берилган атоқли махсус номлар [1.13; 2.143]. Масалан, бодиринг номлари: *Гулноз*, *Зилол*, *Наврўз*, *Омад*; беда номлари: *Хива*, *Вахш*; картошка номлари: *Ақраб*, *Умид*, *Диёра*, *Қувонч*, *Кўксарой*; узум навлари: *Ғалаба*, *Бахтиёрий*, *Жўраузум*, *Ризамат*, *Буваки*, *Дилкаптар* каби.

Олимларнинг кўрсатишича, ер шарида ўсимликларнинг 500 000 га яқин тури мавжуд бўлиб, шундан Ўзбекистонда 4148 турдаги ўсимликлар учрайди. Улар 1023 авлод ва 138 оилани ташкил қилади [3.496-497]. Буларнинг кўпчилиги ўзининг махсус атоқли номига эга. Шу боис ўзбек тили лексикасида бошқа бионим турлари қатори фитонимлар салмоқли ўрин тутаяди.

Ботаника фанига оид тадқиқотларга таянган ҳолда, ўсимликларнинг турига кўра фитонимларни дастлаб қуйидаги маъновий гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) дарахт номлари. Масалан, хурмо навлари: *“Вахш”*, *“Шарқ хурмоси”* каби;

2) ўт-ўлан номлари. Масалан, беда (дуккақдошларга мансуб бир ва кўп йиллик ўтсимон ўсимлик) навлари: *“Тошкент – 1”*, *“Вахш – 233”*, *“Еттисув”*, *“Хива”*, *“Ўзган”* каби;

Н. Пазлиддинова – Наманган давлат университети катта илмий ходим-изланувчиси

3) сабзавот экинлари номлари. Масалан, бодринг навлари: “Гулноз”, “Наврўз”, “Омад”, “Марғилон – 822” каби;

4) гул ва бута номлари. Масалан, қалампир навлари: “Нафис”, “Келинтили”, “Марғилон – 330” навлари каби.

Ўзбек тили фитонимларининг салмоқли қисмини *сабзавот экинларининг* номлари ташкил этади. Ўзбек тилида *сабзавот экинлари* ўрнида *полиз экинлари* термини ҳам қўлланади. Асосан, сабзавот олиш учун етиштириладиган маданий ўсимликлар гуруҳи *сабзавот экинлари* ҳисобланади. Сабзавот экинларининг 120 дан ортиқ экиладиган тури маълум. Уларнинг 10 оилага мансуб 90 тури кенг тарқалган [4.405].

Сабзавот сўзининг этимологиясига эътибор қаратадиган бўлсак, *сабзи*, *сабзавот* сўзлари *сабз* сўзи асосида ясалган. *Сабзи*, *сабзавот* сўзлари форс-тожик тилидан эски ўзбек тилига ўзлашган. Алишер Навоий асарлари лексикасини тадқиқ этган Б.Бафоевнинг кўрсатишича, *сабзи* сўзининг этимони *сабз* бўлиб, ундан от ясовчи *-и* қўшимчаси воситасида ясалган. Эски тожик тилида бу сўз *кўкатлар*, *кўклик* маъносида қўлланган. Кейинчалик эса яна қўшимча тарзда *кўкатнинг* асоси – *сабзи* маъносини ҳам ифодалай бошлаган.

Олим талқинича, сўзнинг бош морфемаси *сабз* ҳам ясама бўлиши керак. *Полиз* сўзи билан *сабз* сўзининг ясалиш усули бир хил бўлганлигидан, уларда қандайдир яқинлик бор [5.35].

Сабзавот сўзи *сабза* отининг *-(е)от* қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўклик шакли бўлиб, “резавор ва *полиз экинлари маҳсули*” маъносини англатади [6.204].

Полиз сўзи ҳам ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган. *Полиз* сўзи эски ўзбек тилида, хусусан, Алишер Навоий асарларида ҳам учрайди:

Бақтим эрса полизе кўрдимки тўла қовун ва бодиринг ва хиёр эрди (НМ. 79).

Б.Бафоев *полиз* сўзининг этимологияси хусусида фикр юритар экан, эски тожик тилида *полиз* – *полез* шаклида келиб, қуйидаги маъноларни англатишини қайд этади:

1) *боғ*, *бўстон*, *гулистон*;

2) *экин экиладиган жой*, *қовун*, *тарвуз* ва *шунинг сингарилар экилган майдон*.

Б.Бафоев бу икки маънонинг иккинчиси дастлабки, биринчиси кейинги тил тараққиёти натижасида сўзнинг маъно чегараси кенгайиши асосида юзага келганлигини, буни сўзнинг структураси ва маъноси тасдиқлашини кўрсатади. Ҳозирги эроний тилларда: тожик тилида *полиз*, форс тилида *пализ*, афғон тилида *палез* каби шаклларда, С. Е.Маловнинг кўсатишича ҳозирги туркий тиллардан: уйғур тилида *пелес*, *pelis* [7.174; 8.145], ўзбек тилида *полиз* каби фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда учрайди. Олим талқинича, *полиз* сўзи ясама бўлиб, у бир бош морфема (*пол* – *пушта*) ва от ясовчи қўшимча – *ёрдамчи морфемадан* иборат [5.88]. Демак, *полиз* сўзининг таркиби *пол* ва *-из* морфемаларидан иборат. Ҳақиқатдан ҳам, *қовун*, *тарвуз* каби бошқа экинлар ва улар экилган майдон маъноси *полиз* сўзининг бирламчи маъноси ҳисобланади.

Айрим олимлар *полиз экинларига* фақат *тарвуз*, *қовун* ва *қовоқни* киритадилар.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *сабзавот* ва *полиз* сўзлари айрим ўринларда синоним сифатида қўлланса-да, *сабзавот* сўзининг маъно доираси кенгроқ. Ҳозирги ўзбек адабий тилида *сабзавот* сўзи “резавор ва *полиз экинлари ҳамда уларнинг овқатга ишлатиладиган маҳсули* (*бодринг*, *карам*, *сабзи*, *пиёз*, *помидор* ва *шу кабилар*)” маъносини англатади [9.409]. Шу боис биз *сабзавот экинлари* терминини қўлладик.

Ўзбек тилшунослигида *полиз экинлари* номлари М.Сапаров [10.409], *полизчилик* лексикаси Т.Нуъмонов томонидан тадқиқ этилган [11.409], бироқ бу ишларда эътибор, асосан, ўсимликларни ифодаловчи оддий апеллятив лексикага қаратилган.

Ўзбек тилидаги *сабзавот экинларини* ифодаловчи апеллятивлар ҳам тарихий-этимологик жиҳатдан турли тилларга мансуб:

1) туркий, жумладан, ўзбекча *сабзавот экинлари* номлари: сўзлар: *турп*, *қовоқ*, *қовун*, *қалампир*, *саримсоқ*// *саримсоқ пиёз*, *тарвуз* каби;

2) форс-тожик тилидан ўзлашган *сабзавот* номлари: *сабзи*, *шолғом*, *кашнич*, *бодринг*, *ловия*, *мош*, *пиёз* каби.

Шу ўринда форс-тожикча ўзлашма *сабзавот экинлари* номлари хусусида ҳам фикр юритишни лозим топдик. *Шолғом* сўзи ҳам форс-тожик тилидан ўзлашган. Мазкур

сўз ҳозирги манбаларда *шолғом*, *шалғам*, *шолғам* каби фонетик вариантларда кузатилади. Бизнингча, ҳамма ўринларда *шолғом* шаклини қўллаш мақсадга мувофиқ. Бу сўз Маҳмуд Кошғарий луғатида ҳам, Алишер Навоий асарларида ҳам учрайди. Б.Бафоев семантик, фонетик принципларга кўра, *шалғам* сўзининг этимонини дамлангандан сўнг пўсти танасидан тезда ажраладиган *чағандар* (*чаға+ндар*) сўзи билан боғлиқ бўлса керак (*шағ < (чаға)<шуға* (*чуға*) +*лам*), *шалғам* ҳам *чағандар* каби қозонда димланиб, кейин пўсти энгилгина олиниб, истеъмол қилинади, деган фикрни айтади ва *шалғам* вариантыни қўллайди [5.37-38].

Кашнич форс-тожикча *кашнез* сўзининг фонетик варианты бўлиб, унинг этимони *каш чиройли*, *зебо*, *хуш* (*каш<гаш*) *майса* (нез) маъносидадир [5.58].

1) араб тилидан ўзлашган сабзавот номлари: *карам*, *бақлажон* каби;

2) рус ва Европа тилларидан ўзлашган сабзавот номлари: *редиска* (эрта кўкламда очиқ ва ёпиқ ерларга экиладиган полиз экини ва унинг ейишли думалоқ ёки чўзинчоқ оқ, қизил рангли ҳосили), *сельдерей* (ошкўк сифатида истеъмол қилинадиган икки йиллик сабзавот ўсимлиги), *петрушка* (соябонгулдошлар оиласига мансуб бир ёки икки йиллик кашничсимон ўсимлик), *укроп* (соябонгулдошлар оиласига мансуб бир ёки икки йиллик хушбўй ўтсимон ўсимлик) каби. *Укроп шивит*, *сельдерей қафас* деб ҳам аталади.

Сабзавот экинларини ифодаловчи атоқли номлар – фитонимларни қандай ботаник оилага мансуб ўсимлик номларини ифодалашига кўра лингвоботаник жиҳатдан қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Карамдошларни ифодаловчи фитонимлар:

а) карам номлари: *“Наврўз”*, *“Ашхабод”*, *“Тошкент”*, *“Истиқбол”* каби;

б) шолғом номлари: *“Муяссар”*, *“Наманган”*, *“Самарқанд”* каби.

в) редиска номлари: *“Қизил улкан”*, *“Думалоқ”*, *“Дунган”* каби;

г) турп номлари: *“Андижон – 9”*, *“Марғилон”* каби.

2. Соябонгулдошларни ифодаловчи фитонимлар:

а) сабзи номлари: *“Фаровон”*, *“Зийнатли”*, *“Мирзойи қизил”*, *Мирзойи сариқ*, *“Мушак”*, *“Нурли”* каби;

б) петрушка номлари: *“Нилуфар”*;

в) кашнич номлари: *“Қаҳрабо”*, *“Орзу”*, *“Ором”* каби;

г) укроп (шивит) номлари: *“Ўзбекистон – 232”*, *“Ором”* каби.

3. Шўрадошларни ифодаловчи фитонимлар:

лавлаги *“Бордо – 237”*, *“Орзу”* каби.

4. Қовоқдошларни ифодаловчи фитонимлар:

а) бодринг номлари: *“Гулноз”*, *“Зилол”*, *“Марғилон-822”*, *“Наврўз”*, *“Омад”*, *“Талаба”* каби;

б) тарвуз номлари: *“Шарқ неъматли”*, *“Чиллаки”*, *“Дилноз”*, *“Қўзибой”*, *“Манзур”*, *“Олмос”*, *“Ўринбой”*, *“Мармар тарвуз”*, *“Чинни тарвуз”* каби;

в) қовун номлари: *“Дилхуш”*, *“Байтқўргоний”*, *“Барака”*, *“Кўктурна”*, *“Тулкибурун”*, *“Шакарпора”*, *“Шакарпалак”* каби;

г) қовоқ номлари: *“Томошақовоқ”*, *“Ширинтой”*, *“Миттивой”*, *“Нонкаду”*, *“Қашқар – 1644”*, *“Янгилик”*, *“Испан – 73”* каби.

5. Томатдошларни ифодаловчи фитонимлар:

а) помидор номлари: *“Авиценна”*, *“Баҳор”*, *“Нурафшон”*, *“Черри Марварид”*, *“Дархон”*, *“Заковат”*, *“Субҳидам”*, *“Турон”*, *“Сайхун”*, *“Севара”*, *“Ситора”*, *“Совға”*, *“Сурхон”* каби;

б) бақлажон номлари: *“Феруз”*, *“Сурхон гўзали”*, *“Замин”*, *“Ситора”*, *“Қорагўзал”*, *“Диёр”* каби;

в) қалампир номлари: *“Юлдуз”*, *“Жайхун”*, *“Зумрад”* каби.

6. Бурчоқдошларни ифодаловчи фитонимлар:

а) мош номлари: *“Қаҳрабо”*, *“Ғалаба”* каби;

б) нўхат номлари: *“Зимистоний”*, *“Лаззат”*, *“Юлдуз”*, *“Ўзбекистон – 32”* каби;

в) ловия номлари: *“Наврўз”*, *“Қаҳрабо”* каби.

7. Пиёздошларни ифодаловчи фитонимлар:

а) пиёз номлари: *“Оқдур”*, *“Қоратол”*, *“Сунбула”*, *“Чиллаки”*, *“Марғилон”*, *“Андижон оқ пиёзи”*, *Самарқанд қизил – 172*, *“Қоратол”*, *“Каъба”*, *“Испан – 313”* каби;

б) саримсоқ номлари: “*Чидамли*”, “*Бинафшаранг*”, “*Андижон*”, “*Жанубий бинафшаранг*” каби.

8. Салатни ифодаловчи фитонимлар: *Йирик бошли*, *Кўкшоҳ* каби.

Тўпланган материалларни таҳлил қилиш кўрсатадики, ўзбек тилида сабзавот экинларига атоқли ном беришда қуйидаги белги-хусусиятлар мотив қилиб олинган:

1) сабзавот нави яратилган жой (шаҳар, вилоят, уруғчилик бўлими) номлари: “*Марғилон*”, “*Андижон*”, “*Ўзбекистон – 32*”; карам номлари: “*Ашхабод*”, “*Тошкент*”; шолғом номлари: “*Наманган*”, “*Самарқанд*” каби;

2) сабзавотнинг ташқи кўриниши: шакли, ҳажми, катта-кичиклиги: қовоқ номлари: “*Томошақовоқ*”, “*Ширинтой*”, “*Миттивой*”, редиска номи: “*Думолоқ*”, тарвуз номлари: “*Мармар тарвуз*”, “*Чинни тарвуз*” каби;

3) навни яратган кишилар ёки бошқа шахсларнинг номи: тарвуз номи: “*Ўринбой*”, шолғом номи: “*Муяссар*” каби;

4) сабзавотнинг ранг-туси: редиска номи: “*Қизил улкан*”, пиёз номи: “*Оқдур*”, саримсоқ номи: “*Бинафшаранг*” каби;

5) мажозий (метафорик) номланган сабзавотлар: қовун номлари: “*Тулкибурун*”, “*Кўктурна*”; бақлажон номлари: “*Сурхон гўзали*”, “*Қорагўзал*” каби;

6) сабзавотнинг таъм хусусияти: қовун номлари: “*Шакарпора*”, “*Шакарпалак*” каби;

7) сабзавотнинг экиш ва пишиб етилиш хусусиятлари: тарвуз номи: “*Чиллаки*”; бодринг номи: “*Наврўз*” каби.

Ҳар бир сабзавот экинлари номларини ифодаловчи фитоним ўзига хос номинацион-мотивацион хусусиятларга эга. Масалан, “*Нилуфар*” – петрушка номи. *Нилуфар* сўзи асли ҳиндча бўлиб, эски ўзбек тилига форс-тожик тили воситасида ўзлашган. Эски тожик тилида сўз *нилуфал*, *нилупал* ва *нилуфар* кўринишларида қўлланиб, сув ўсимлиги номини атайди [5.67].

Алишер Навоий асарларида ҳам *нилуфар* тарзида учрайди.

Ўзбек тилида *нилуфар* (*савсан*) ўсимлигидек *чиройли*, *зебо қиз бўлсин*, деган мақсада қўйилган *Нилуфар* қизлар исми ҳам кузатилади. Э.Бегматов *савсанга* *лилия* гули деб изоҳ беради [12.290].

Янги яратилган петрушка нави *нилуфар* ўсимлиги каби *чиройли*, *нозик бўлганлиги* боис “*Нилуфар*” деб аталган.

“*Юлдуз*” – Ўзбекистон дончилик илмий текшириш институтида яратилган селекцион нўхат нави номи. Нўхат дони ғадир-будур, ўртача катталиқда, кесик қиррали, хира оқ, кертиги сарғиш оқ тусда бўлганлиги учун “*Юлдуз*” деб аталган. Демак, мазкур фитоним сабзавот экиннинг шакли ва туси мотивацияси асосида юзага келган [13.170].

Адабиётлар:

1. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006.
2. Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – Москва: Наука, 1988.
3. Саҳобиддинов С. Ўсимликлар систематикаси. II қисм. Гулли ўсимликлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1966.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – 10-ж.
5. Бафоев Б. Кўҳна сўзлар тарихи. – Тошкент: Фан, 1991.
6. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (Форсча, тожикча бирликлар ва улар билан ҳосилалар). – Тошкент: Университет, 2009.
7. Малов С.Е. Уйгурский язык. – М.– Л.: Наука, 1954.
8. Малов С.Е. Уйгурские наречия Синьцзяна (тексты, переводы, словарь). – М.: Наука, 1961.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 3-ж.
10. Сапаров М. Туркий тилларда полиз экинлари номлари // Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллари лексикасидан тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 176-250.
11. Нугманов Т. Термины бахчеводства в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971.
12. Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998.
13. Yaqubjonov O., Tursunov S. O'simlikshunoslik. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2008.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).